

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

**ПОЛОЖЕНИЕ О ПРАВИЛАХ ИНФОРМАЦИОННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА
«НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ УЗБЕКИСТАНА»**

**“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

Тошкент


Сўзбоши

1 Матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН.

2 “ Ўзбекистон миллий электр тармоқлари ” АЖнинг 13.11.2020даги 354 -сонли буйруғи билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН.

3 БИРИНЧИ БОР КИРИТИЛГАН.

Тасдиқлайман



«Ўзбекистон МЭТ» АЖ
бошқарув раиси

Д.А.Исакулов

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ
ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

**ПОЛОЖЕНИЕ О ПРАВИЛАХ ИНФОРМАЦИОННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА
«НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СЕТИ УЗБЕКИСТАНА»**

Амалга киритиш санаси *15.11.2020*

1 Қўлланиш соҳаси

Ушбу Низом 1997 йил 24 апрелдаги 400-І-сон «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни; Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда қабул қилинган, Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган 2007 йил 15 январдаги ЎРҚ-78-сон «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги

«Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 125-сонли қарори асосида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг барча филиал, бошқарма, бўлим ва хизматларига жорий этиладиган Ахборот хавфсизлиги қоидаларининг (кейинги ўринларда – Низом) мазмун-моҳияти, ишчи-ходимларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги асосларини белгилаб беради.

Ушбу Низомда санаб ўтиладиган тартиб-қоидалар «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – «Ўзбекистон МЭТ» АЖ) амалдаги қонунчилик асосида, халқаро ҳуқуқ нормаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ички амалиёт ҳужжати бўлиб, унга Иш берувчи, яъни «Ўзбекистон МЭТ» АЖ билан меҳнат шартномаси имзолаган барча ишчи-ходимлар амал қилиши шарт.

2 Асосий қоидалар

2.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3487-сон қарорининг Товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг рўйхат иловасидаги 4-каторига мувофиқ «Ўзбекистон МЭТ» АЖ стратегик аҳамиятга эга корхоналар рўйхатига киритилганлигини инобатга олган ҳолда унинг оммавий ахборот воситалари (кейинги ўринларда – ОАВ) ва жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш фаолиятида ўзига хос хусусиятлари инобатга олиб иш юритилиши лозим.

2.2 «Ўзбекистон МЭТ» АЖ оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш масалаларига «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқарув раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (кейинги ўринларда – матбуот котиби) масъул ҳисобланади.

2.3 Матбуот котиби қуйидагиларга масъул ҳисобланади:

- «Ўзбекистон МЭТ» АЖнинг расмий веб-сайти: uzbekistonmet.uz ва унинг ижтимоий тармоқдаги (Telegram, Facebook, Twitter, Instagram, UTube) саҳифалари барқарор фаолият юритиши учун;

- ижтимоий тармоқлар — медиа маконда Жамият фаолиятига тегишли негатив маълумотларга зудлик билан муносабат билдирилиб, тегишли тартибда таҳлилий мақола, хабар ва маълумотлар (матнли, фото-видео ва аудио баёнотлар) эълон қилиб борилиши учун;

- маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари ёки бошқа интернет фойдаланувчиларига (истеъмолчилар, давлат ташкилотлари, халқаро ҳамкорлар, тадбиркорлар ва бошқалар) уларни қизиқтирган масалалар юзасидан мутахассислар тақдим этган расмий маълумотлар асосида жавоблар бериши учун;

- ижтимоий тармоқдаги саҳифалари орқали давлат харидлари тизимининг шаффофлиги ва хўжалик маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаши, давлат харидларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни хабардор этиб бориш учун;

- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, хизмат билан доимий ҳамкорликда ишлайдиган журналистлар доирасини шакллантириш, ахборот хабарларини (матбуот учун ахборотлар, пресс-релиз, бюллетенлар ва шу кабиларни) тарқатиш; оммавий тадбирлар, брифинг ва матбуот анжуманларини, шу жумладан, Жамиятининг

рахбарлари иштирокидаги тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар)ни ташкил этиш ва ўтказиш учун;

- қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, ижтимоий аҳамиятга молик муҳим дастурлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати мониторингини олиб бориш ва Жамият ходимларини хабардор қилиб боришга;

- Жамият фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлаш ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилиш, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш учун;

- Жамият раҳбарияти томонидан замонавий талабларга мувофиқ белгиланадиган ахборот сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш; ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари билан самарали ва амалий ҳамкорликни таъминлаш учун;

- кенг жамоатчиликни давлат ва хўжалик бошқаруви органининг фаолияти, унинг соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисида ҳолисона, сифатли ва тезкор хабардор қилиш каби амалиётлар учун.

2.4 Матбуот котиби бевосита «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқарув раисига бўйсунди, Жамият раҳбариятининг топшириқлари, О‘zМЕТН 34-471:2020 «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқарув раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчисининг лавозим йўриқномаси»га ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги кўрсатмаларига биноан фаолият юритади.

2.5 «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқарув раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси мазкур Низомнинг 2.3-бандида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида Жамиятнинг барча филиал, бошқарма, бўлим ва хизматларидан тегишли тартибда ёзма ва заруриятга қараб оғзаки маълумотлар олиши ва тегишли тартибда (очик маълумотлар сирасига кирадиган ахборотни) тарқатиши (эълон қилиши, тақдим этиши) мумкин, шунингдек бошқа маълумотларни (тоифаланган, ёпиқ маълумотлар сирасига кирадиган ахборотни) Жамият бошқарув раиси билан келишган ҳолда, унинг розилиги билан эълон қилиши (тарқатиши, тақдим этиши) мумкин.

3 Умумий қоидалар

3.1 «Ўзбекистон МЭТ» АЖнинг барча ишчи-ҳодимлари Жамият фаолияти билан боғлиқ ахборот, маълумот ва ҳисоботларни ОАВ ва жамоатчилик вакиллариغا белгиланган тартибда матбуот котиби орқали тақдим этишлари лозим (юқори турувчи ташкилотлар ҳамда ҳамкор корхоналарга иш юзасидан расмий хат орқали ахборот-маълумот тақдим этиш бундан мустасно).

3.2 Жамият ишчи-ҳодимлари ахборот олиш истагида бўлган барча фуқароларга (жисмоний шахсларга) Жамиятнинг расмий веб-сайти ва унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари барқарор фаолият юритаётганини билдириб (Жамиятнинг электрон манзилларини тақдим этган ҳолда), у ердан умумий маълумотларни олишлари мумкинлиги, шунингдек хусусий характердаги маълумотларни тақдим этишга Жамият бошқарув раисининг матбуот котиби — ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси

масъул эканлигини, улар сўраган маълумотлар (ахборот) амалдаги қонунларга мувофиқ шакл ва муддаларда тақдим этилишини билдириши лозим.

3.3 Жамият раҳбар кадрлари ҳамда ишчи-ходимлари ахборот олиш истагида бўлган ташкилот ва корхоналар, таҳририятлар ёки ахборот агентликларига (юримдик шахсларга) Жамиятнинг расмий веб-сайти ва унинг ижтимоий тармоқдаги саҳифалари барқарор фаолият юритаётганини билдириб (Жамиятнинг электрон манзилларини тақдим этган ҳолда), у ердан умумий маълумотлар олишлари мумкинлиги, шунингдек, хусусий характердаги маълумотларни «Ўзбекистон МЭТ» АЖ бошқарув раиси ҳамда унинг ўринбосарлари номига расмий мурожаат этган ҳолда олишлари мумкинлигини (бу ҳақда Жамият матбуот котибини огоҳлантириб қўйиш зарурлигини) маълум этишлари лозим. Юримдик шахслар улар сўраган расмий мурожатларга ҳам жавоб бериш (маълумот, ахборот) амалдаги қонунларга мувофиқ шакл ва муддатларда тақдим этилади;

3.4 Мазкур Низомнинг 3.2- ҳамда 3.3-бандларини бузган ишчи-ходимлар Жамият ички-тартиб қоидаларини бузган деб ҳисобланиб, меҳнат қонунчилигига оид маъмурий чоралар қўлланилиши, мукофот ва устама ҳақларидан маълум муддат маҳрум этилиши, Низом қоидаларини қўпол равишда бузиб, Жамиятга молиявий ва маънавий зарар етказган бўлса, ходим билан имзоланган меҳнат шартномаси бекор қилиниши, қонунчиликнинг тегишли моддаларига биноан маъмурий ва жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин;


3.5 Матбуот котиби томонидан мазкур Низомнинг 3.1-банди бузилганда хизмат ходимлари, Жамият ички-тартиб қоидаларини бузган деб ҳисобланиб, меҳнат қонунчилигига оид маъмурий чоралар қўлланилиши, мукофот ва устама ҳақларидан маълум муддат маҳрум

этилиши, Низом қоидаларини қўпол равишда бузиб, Жамиятга молиявий ва маънавий зарар етказган бўлса, ходим билан имзоланган меҳнат шартномаси бекор қилиниши, қонунчиликнинг тегишли моддаларига биноан маъмурий ва жиной жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ахборот маълумотлари

Матбуот котиби томонидан **ишлаб чиқилган.**


Матбуот котиби



У.П.Урунов


Келишилган “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари



Х.Б. Элмуродов

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари



С.С. Артиков

Бошқарув раисининг ўринбосари




Ж.Т.Аширбоев

Бошқарув раисининг ўринбосари



Ф.М. Курбанов

Бошқарув раисининг маслаҳатчиси



О.А.Тўхташев

Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси
Бошқарма бошлиғи



А.Т. Джураев

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи




И.И.Хамидов

Юридик бошқарма
Бошқарма бошлиғи



Ш.С.Ахмедов

Норма-назоратчи



Л.Б.Ғозиева